

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги  
Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг  
компанияси бош муҳандиси –  
танлов комиссияси раиси  
Ш. Фохиров

2022 йил “ ”

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан бошланғич қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 (олти) минг баробаригача бўлган, энг яхши таклифларни танлаш воситасида давлат харидларини ўтказиш учун Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси директорининг 2022 йил 7 январдаги №08/03-ИЧ-сонли буйруғига мувофиқ тасдиқланган

**ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ  
(РЕГЛАМЕНТИ)**

Бухоро шахри

Компаниянинг 2022 йил 7 январдаги №08/03-ИЧ-сонли буйруғига мувофиқ тасдиқланган танлов комиссиясининг таркиби:

1.	Ш. Фохиров	-	Бухоро вилояти ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси бош муҳандиси, <i>танлов комиссияси раиси</i>
2.	Ф. Латипов	-	Бухоро вилояти ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси Иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари, <i>танлов комиссияси раисининг ўринбосари</i>
3.	Р. Ҳайитов	-	Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи
4.	Б. Ҳайитов	-	Бирламчи ва рухсат берувчи, лойиҳа ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи
5.	Ж. Джалилов	-	Лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Танлов комиссиясининг Иш тартиби (Регламенти)ни белгилаб олиш;
2. Танлов ва иштирокчиларнинг малакасини аниқлаш ҳужжатлари, оферталарни электронни жойлаш ва маркировка қилиш шarti ва талабларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;
3. Таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
4. Танловларни ўтказиш жойи ва муддатини аниқлаш.

Кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан сўзга чиққанлар:

1. Танлов комиссияси раиси Ш. Фохиров ўтказиладиган танловларни белгиланган тартиб асосида қонуний ўтишини таъминлаш, танлов ҳужжатлари талабларига мос равишда ташкилотларни танлаш, танловлар жараёнини комиссия аъзолари томонидан маъқулладиган ва буюртмачи томонидан тасдиқланадиган Иш тартиби (Регламенти)га асосан ўтказиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

2. Шунингдек, танлов иштирокчилари томонидан танлов ҳужжатлари таркибида коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

3. Танлов комиссияси раиси Ш. Фохиров танлов ҳужжатларини техник баҳолаш иштирокчилар тақдим қилган ҳужжатлар таркибидан малакасини аниқлаш орқали, шунингдек нархга оид таклифларини баҳолаган ҳолда харид комиссиясининг кўпчилик овози билан ҳал қилинишини таклиф этди. Шунингдек, давлат харидини амалга оширишда маҳаллий ташкилотлар танловда иштирок этишлари, охириги 3 йиллик тажрибасини ҳисобга олиш, тегишли лицензияга эгаллиги, танлов иштирокчиларининг бошқарувчи ва муҳандис-техник ходимларнинг диплом ва меҳнат дафтарчалари борлиги, танлов савдоси иштирокчисининг ташкилий структураси ҳақида маълумот, лойиха ишларини бажаришда фойдаланадиган лойиха ташкилотининг жихоз(оргтехника)лари ва туман ва шаҳар Давлат солиқ идорасидан иштирокчининг қарздорлиги бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумотларни, баҳоланиши натижалари бўйича танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаган танлов иштирокчилари таклифларини танловдан четлаштирилиши борасидаги таклифини киритди.

4. Танлов предмети бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловда иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисида комиссия раиси ўз таклифини киритди.

5. Танловда иштирок этаётган ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар таҳлил қилиниши натижасида нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу иштирокчи танловдан четлаштирилиши юзасидан таклиф киритди.

6. Комиссия аъзолари танлов иштирокчиларининг таклифларини танлов ташкилотчиси жойлашган манзилда эълон давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида чоп этилган кундан бошлаб 5 иш кунидан кейин очилиши ва кўриб чиқирилишини маъқулладилар.

7. Юқоридаги таклифларни танловлар жараёнида қўллаш бўйича танлов комиссияси раиси томонидан танлов комиссияси аъзолари ўртасида овозга қўйилди ва унинг натижаси қуйидагича бўлди:

“Розилар” - 5 овоз;

“Бетарафлар” - 0 овоз;

“Қаршилар” - 0 овоз.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилган ҳолда ҳамда билдрилган таклифларни инобатга олиб, танлов комиссияси йиғилиши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Танловда иштирок этаётган ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар таҳлил қилиниши натижасида нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу иштирокчилар танловдан четлаштирилсин.

2. Танлов шартларида маҳаллий иштирокчиларига иштирок этиш учун (бундан муаллифлик ҳуқуқи асосида амалга ошириладиган иш ва хизматлар мустасно) устунлик белгилансин.

3. Буюртмачи томонидан танлов предмети бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловда иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисидаги таклифи комиссия аъзолари томонидан маъқулланганлигини инобатга олиб, уларни иштирок этишига рухсат бермаслик таклифи тасдиқлансин.

4. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни техник баҳолаш ва молиявий баҳолаш харид комиссиясининг кўпчилик овози билан аниқланиши тасдиқлансин.


5. Танлов ташкилотчисининг зиммасига танлов комиссиясининг қарорлари асосида қабул қилинган шарт ва талабларни танлов ҳужжатлари таркибига киритиш юклансин. Шарт ва талабларни инобатга олиб, танлов предмети бўйича ишлаб чиқилган танлов ҳужжатлари, таркибидаги шакллар ва иловалар ҳамда уларни тақдим этиш бўйича қўйилган талаблар тасдиқлансин.


6. Лойиҳа ташкилотларини танлаш бўйича шартлар ва маълумотлар 1-иловада, танлов ҳужжатлари намунаси 2-иловада тасдиқлансин.

7. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифларнинг давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида эълон жойлаштирилган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кейин Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй манзилида очилиши тасдиқлансин.

**Танлов комиссиясининг имзолари:**

Ф. Латипов 

Б. Ҳайитов 

Р. Ҳайитов 

Ж.Джалилов 

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги  
 Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг  
 компанияси директорининг  
 2022 йил 7 январдаги №08/03 ИЧ-сонли  
 буйруғига мувофиқ тасдиқланган  
 харид комиссияси РЕГЛАМЕНТИга 1- илова

Лойихачилар учун танловда иштирок этиш шартлари ва маълумотлар

№		
1	Буюртмачи ташкилот номи	Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси
2	Объект номи	
3	Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби	Харид комиссияси аъзолари томонидан овоз бериш орқали
4	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили:	Махсус электрон портал <a href="http://etender.uzex.uz">http://etender.uzex.uz</a>
5	Танловни ўтказиш манзили, жойи ва санаси	Бухоро вилояти Бухоро шаҳар Навоий шоҳ кўчаси 5 уй. Махсус электрон порталда <a href="http://etender.uzex.uz">http://etender.uzex.uz</a> да эълон берилган санадан 5 иш кунидан сўнг.
6	Танловда иштирок этиш учун банк кафолатининг миқдори ва шакли	Талаб этилмайди
7	Танловда иштирок этишга қуйидаги иштирокчиларга рухсат этилади	Қуйида кўрсатилган шартларни қаноатлантирадиган маҳаллий ташкилотлар танловда иштирок этишлари мумкин
		II ва III категорияли лойиҳа ташкилотлари
		Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 3-ИЛОВАга мувофиқ асосий мутахассислар билан мажбурий таъминланганлик
		Охириги 3 йилда мазкур объект тоифаси ва қувватига мос иш тажрибасининг мавжудлиги
		Туман ва шаҳар Давлат солиқ идорасидан иштирокчининг қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотларни тақдим этиши шарт.
		Иштирокчи томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш
8	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса)	Тегишли категорияли объектларни лойиҳалаш учун лицензия мавжудлиги
9	Иштирокчиларнинг танлов ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати	Таклифларни топширишнинг охириги муддати ва вақтигача
10	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари	<a href="http://etender.uzex.uz">http://etender.uzex.uz</a> сайтида эълон берилган санадан 5 иш куни
11	Танлов ҳужжатининг тили	Ўзбек ва рус тиллари
12	Танлов таклифининг амал қилиш муддати	Танлов таклифлари очилган кундан бошлаб 60 кун
13	Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили	Таклифларни қабул қилишнинг охириги вақти <a href="http://etender.uzex.uz">http://etender.uzex.uz</a> сайтида кўрсатилган вақт ва муддат Манзил: Бухоро вилояти Бухоро шаҳар Навоий шоҳ кўчаси 5 уй.
14	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари ҳисобидан
15	Молиялаштириш тартиби	Бунда: Танловда ғолиб чиққан иштирокчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, дастлабки икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) аванс ўтказиладиган қолган 70 % ишлар якунлангандан сўнг амалга оширилади.
16	Шартнома тили	Ўзбек тилида
17	Шартнома валютаси	Сўмда
18	Мурожаат учун телефонлар	

Компания бош муҳандиси



*(Handwritten signature)*

Ш. Фохиров

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги  
Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг  
компанияси директорининг  
2022 йил 7 январдаги №08/03 ИЧ-сонли  
буйруғига мувофиқ тасдиқланган  
харид комиссияси РЕГЛАМЕНТИга 2- илова

1-сонли илова

## ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Танлов иштирокчисининг ишлаб чиқариш тузилмасини кўрсатинг (ташкилотнинг бўлинмалари билан биргаликдаги, бўлинмалар фаолиятининг қисқача таърифлайдиган чизма шаклидаги тузилмаси ва ҳоказо)

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.

**ОЧИҚ ЭРКИН САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА  
УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Очиқ эркин савдолари иштирокчисининг номи \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон (факс) рақами \_\_\_\_\_

Юридик мақоми \_\_\_\_\_

Гувоҳнома рақами ва санаси \_\_\_\_\_

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) \_\_\_\_\_

**Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:**

№	Ф.И.Ш.	Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

**Асосий ва доимий ходимлар (ЛБМ, ЛБА ва етакчи мутахассислар)**

Тартиб №№	Ф.И.Ш.	Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси М.Ў. «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.

## ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ХОС ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

(танлов савдоси шитирокчисининг номи)

№	Объект номи	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар бўйича	Сумма	Шундан йиллар бўйича		
					2019__	2020__	2021__
	Жами:						

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.

**ЛОЙИХА ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ЛОЙИХА  
ТАШКИЛОТИНИНГ ЖИХОЗ(ОРГТЕХНИКА)ЛАРИ РЎЙХАТИ**

<b>Тартиб №№</b>	<b>Номи</b>	<b>Маркаси</b>	<b>Сони</b>	<b>Ишлаб чиқарилган йили</b>
	(орг техника)			
	(бошкалар)			

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.



**ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ҚУРИЛАДИГАН, ҚАЙТА ҚУРИЛАДИГАН,  
МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАНАДИГАН ҚУРИЛИШ МАЙДОНИНИ  
КЎРГАНЛИК ГУВОҲНОМАСИ**

Ушбу билан тасдиқланадики, мен \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш., лавозими)

\_\_\_\_\_ эълонига топшириғига биноан

(савдо иштирокчиси номи)

\_\_\_\_\_ объекти қурилиш майдончаси ва унга туташ

(объект номи)

худудларда бўлдим ва кўрув ўтказиб, ушбу объект бўйича лойиҳа хужжатларини шартнома асосида сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, ишларни қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ҳамда бошқа ҳолат ва шароитлар билан танишдим ва объект учун ажратилган маблағни ҳисобга олиб, график қисми(чизмалар)ни батафсил ўргандим.

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.

# ОБЪЕКТНИНГ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ УМУМИЙ ГРАФИГИ

(объект номи)

№	Ишлар номланиши	Ишларни бошлаш санаси	Ишларни тугатиш санаси

*Изоҳ:* Лойиха ишларининг умумий графигида ишларни умумий дастури (объектнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда) ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади. Лойиха ишлари умумий графиги лойихачининг ишларни ва маълум участкаларни белгиланган муддатда яқунлаш ва лойихалаштирилаётган объектда хавфсиз ва узлуксиз ишлар олиб бориш мажбуриятига таъсир кўрсатмаслиги керак.

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.

**Шу жумладан:**

**1-Танлов ҳужжатларига қўшимча равишда охириги 3 йиллик баланс.**

**2-Солиқдан қарздорлиги мавжуд бўлмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома.**

Компания бош муҳандиси, танлов комиссияси раиси:



**Ш.Фохиров**

**Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси директорининг 2022 йил 7 январдаги №08/03-ИЧ-сонли буйруғига мувофиқ, тасдиқланган харид комиссияси РЕГЛАМЕНТИ**

**Дойихачилар учун танловда иштирок этиш шартлари ва маълумотлари**

1	Архитектура-шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 3-ИЛОВАга мувофиқ асосий мутахассислар билан мажбурий таъминланганлик.	Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат
2	Охирги 3 йилда мазкур объект тоифаси ва қувватига мос иш тажрибасининг мавжудлиги.	Бажарган ишлар бўйича ҳисоб варақ фактуралар илова қилинади
3	Объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "тўвоҳнома" тақдим этиш	Объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "тўвоҳнома" тақдим этиш
4	Дойиха-смета ҳужжатларини тақдим этиш муддати (кун)	Дойиха-смета ҳужжатларини тақдим этиш муддати (кун)
5	Дойиха-смета ишларини бажаришда фойдаланиладиган лойиха ташкилотининг жиҳоз (орғтехника) лари рўйхати	(орғтехника) техникалар рўйхати
6	Охирги 3 йиллик баланс	Айланма маблаглари тўғрисида маълумотнома
7	Солиқдан қарздорлиги бўлмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома	Маълумотнома (Солиқдан тасдиқланган)

**Компания бош муҳандиси**

**Ш. Фохиоров**

